34 (364)
2003 йил 27 август
Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

XII yil

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 239-кун

2
- Ифтихор туйғуси дилдан дилга кўчмоқда!
- «Шарқ тароналари» таралганда...

3
- Замондошларнинг замондошларга қутловлари

4
- Эрк, ҳуррият байрами барчамизга қутлуғ бўлсин!

Истиқлол берган истиқбол муборак, азиз юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳрати ва обрў-эътиборини янада юксалтириш, ислоҳотларни амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон - **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин:

АБДУРАЗАКОВ Абдурахман - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси пўлат эритиш цехининг оператори

МУХАМЕДЖАНОВ Закир (Зикир Муҳамаджанов) - Ўзбек миллий академик драма театри актёри

НАРЗУЛЛОЕВ Ахмат - Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раиси

САГАТОВ Серикбай Жузжасарович - Навоий вилояти Томди туманидаги «Бирлик» ширкат хўжалиги бош чўпони

ЭРГАШЕВ Аваз - Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Х.Низаматов номли ширкат хўжалиги раиси

ҚАИПБЕРГЕНОВ Тулепберген - Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг раиси

Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 август

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Абдуразаков Абдурахман


Мухамеджанов Закир (Зикир Муҳамаджанов)

Нарзуллоев Ахмат Имидович


Сагатов Серикбай Жузжасарович

Эргашев Аваз

Қаипбергенов Тулепберген

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт равнақи, халқимиз маънавиятини асраб-авайлашга бахш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган бебаҳо илмий-ижодий меросни инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим, адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

Восит ВОҲИДОВ - академик.
Маҳмуд МИРЗАЕВ - академик.
Асқад МУХТОР - Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
Иброҳим МЎМИНОВ - академик.
Раҳим ПИРМУҲАМЕДОВ - Ўзбекистон халқ артисти.
Толибжон СОДИҚОВ - Ўзбекистон халқ артисти, бастакор ва дирижёр.
Сойиб ХЎЖАЕВ - Ўзбекистон халқ артисти.
Рихард ШРЕДЕР - академик.
ШУҲРАТ (Ғулом Алимов) - Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
Раззоқ ҲАМРОЕВ - Ўзбекистон халқ артисти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 август

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 2003 йил 29 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Обуна-2003

-Яна нима дейди?
-Неварангиз мактабга бораман, -деянти!


Янги ўқув йили арафасида

Сурьат ва журьат

Қиёсан тасаввур қилайлик: ҳозирги даврда мамлакатимизда бир йилда амалга оширилиб, халқимиз хизматига тайёр қилиб қўйилаётган иншоотлар шўролар даврида бир неча ўн йилларда амалга ошармиди? Йўқ, албатта. Истиқлол йилларининг эса ҳеч бир йили йўқки, яратувчилик кайфияти билан суғорилмаган бўлса.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ИНШООТЛАРИ

Ёки пойтахт шаҳримизда Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги тантаналари арафасида фойдаланишга топшириладиган иншоотлар берган кайфият

Мустақиллик йилларида нималарга кўпроқ эътибор қаратиляпти? Албатта, Ватан, халқ равнақи учун аҳамият касб этадиган бунёдкорлик ишларига. Истиқлолимизнинг 12 йиллиги нишонланадиган ушбу - Обод маҳалла йилида юз берган яратувчилик ишларини таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкин. Пойтахтимизнинг турли ҳудудларидаги бунёдкорлик ишлари, хусусан, байрам арафасида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилаётган ўқув-таълим масканлари ҳам бизни шундай хулосага чиқаришга ундайди. Ушбу йилда 5 та махсус ўқув юртида қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилди. Собир Раҳимов туманда барпо этилган Тошкент Банк коллежи биносига кириб, аввало фарзандларимизнинг бугунги кунда қандай шарт-шароитларда билим олиш имкониятига эга бўлганидан қувонасан киши. Буни қуриб битказган Тошкент шаҳар ҳокимиятига қарашли 159 - "Қурилиш трест" ҳиссадорлик жамияти бунёдкорларининг ҳам меҳнат суръатига, ҳам дидига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Негаки, бу бино ўзининг шаҳар ҳуснига ҳусн қўшувчи қиёфасидан ташқари ўқув-машғулотлари учун яратилган имкониятларининг ўта замонавийлиги билан ҳам кишини ҳайратга солади. Шунингдек, шаҳар ҳокимиятига қарашли "Туронмарказқурилиш" ҳиссадорлик жамияти, 4-Қурилиш тресті, "Бинокор" қурилиш ташкилотлари ҳиммати билан амалга оширилган Тошкент юридик коллежи, "Машинасозлик" коллежи, Й.Охунбобоев номидаги республика тиббиёт коллежида амалга оширилган қўшимча бинолар қурилиши, таъмирлаш ишлари ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига ва ёшларимизнинг навбатдаги ўқув мавсумига муносиб совға бўлди.

Пойтахтимизнинг ҳар бир кунги ҳаёти бугунги кунда асрга татигулик. Айтайлик, шаҳарнинг энг катта кўчаларидан бири М.Уйғур номли кўча бундан олти ой аввал қандай эди. Албатта, кўнгилдагидек эмас. Анчагина тор бўлиб қолган кўчада транспорт қатнови, аҳоли ҳаракатланиши учун ноқулайликларни тасаввур қилинг. Мустақиллик байрами арафасида бу манзилларни кездингизми? М.Уйғур - М.Улуғбек кўчалари туташган манзилда барпо этилган автомобиль йўллари, қуриб битказилган кўприк бу муаммоларни ҳал этди. М.Уйғур - Самарқанд дарвоза кўчалари оралиғидаги йўлни бугун кўринг-а. Усмон Носир номли кўча ва Жанубий вокзал кесимида 8 километрдан иборат кичик ҳалқа йўли 3-босқичида катта кўламли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, кўплаб кўчалар оралиғидаги йўллар кенгайди.

- Бу йўллар, - дейди Тошкент шаҳар "Йўл қурилиши ва таъмирлаш" трести бошқаруви раҳбари Рустам Султонов, - пойтахтда нафақат транспорт қатнови, балки аҳолининг эмин-эркин ҳаракати учун ҳам катта қулайликдир.

Ҳа, бундай қулайликлар фақат Истиқлол туфайлигинда юз кўрсатаётганлиги қалбларимизни яна фахр-ифтихорга тўлдирди.

Мухбиримиз.

РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

«Обод маҳалла йили» Дастури асосида ўтказилган турли миқёсдаги кўрик-танловлар маҳалла, овул, шаҳарчаларни янада ободонлаштириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжи бор оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни яхшилаш, маданий-маърифий ва маиший соҳаларда муваффақиятларни мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортга ёшларни оммавий жалб қилиш каби қатор имкониятларни ишга солишга туртки бўлмоқда. Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли», «Маҳалла жонкуяри» номинациялари бўйича кўрик-танловларининг ҳам асил мақсади ана шулардан иборат эди.

Туман, шаҳар, вилоят босқичларидан муваффақиятли ўтган кўрик-танлов иштирокчилари фаолияти кеча энг азиз ва мукаррам айём - республикамиз Мустақилликка эришган кунининг 12 йиллиги байрами арафасида Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси комиссияси томонидан атрофлича таҳлил қилинди ва тегишлича баҳоланди.

Учта йўналиш бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг республика якуний босқичида қуйидагилар ғолиб деб топилдилар:

«Энг ибратли маҳалла оқсоқоли» йўналиши бўйича ғолибликни Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Беруний номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саидаҳмад Обидов қўлга киритди.

Маҳаллада маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади. Ёшларни спорт билан шуғулланишларига кенг ва қулай имкониятлар яратилган. Йўлларни таъмирлаш ишларининг ўзига маҳалла ҳисобидан 250 минг сўмлик маблағ ажратилган. Ҳудудни ободонлаштириш мақсадларига эса, ҳомийлар томонидан 1 миллион сўм сарфланди. Маҳалла хонадонлари газ ва сув билан 100 фоиз таъминланган.

«Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» йўналиши бўйича эса, Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мелибой Солихов ғолиб, деб топилди.

Ҳудудда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор берилган. Масалан, фақат «Гўзаллик салони» қурилишига 1,7 миллион сўм сарфланган. Янги новвойхона, ошхона ишга туширилган, «Оптика» дўкони таъмирланган. Буларнинг ҳаммаси учун 2,3 миллион сўмлик маблағ ажратилган. Янги қурилган иншоотлар ҳисобига 160 нафар ёш ижтимоий фойдали ишга тортилган.

Шунингдек, эълон қилинган **«Маҳалла жонкуяри»** танлови ғолиблари ҳам аниқланди.

Булар:

Қаюмжон ДАДАБОЕВ, Фарғона вилояти Данғара тумани ҳокими;

Абдулла ЖАЛИЛОВ, Наманган вилояти Чортоқ тумани Сойбўйи маҳалласи фаоли, муҳандис;

Ибодулла САЪДУЛЛАЕВ, Хоразм вилояти Шовот тумани Чўқли маҳалласи фаоли, тадбиркор;

Кенгашбой АБДУРАЗЗОҚОВ, Андижон вилояти Хўжаобод тумани Етмишмерган маҳалласи фаоли, стоматолог;

Муҳаммад ЭРМАТОВ, Жиззах вилояти Зарбдор тумани, Зарбдор шаҳри, фермер;

Қурбон ПАНЖИЕВ, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Рогузар маҳалласи фаоли, мененжер.

Аҳмад НАРЗУЛЛОЕВ, Сурхондарё вилояти Денов тумани Хитоян маҳалласи фаоли, фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони.

Абдунаби МАННОПОВ

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

ДУО ОЛГАН ЕТАР МУРОДГА

- Қишлоғимиз ой сайин обод бўлиб боряпти, - дейди Ёзёвон туманидаги Сойбўйи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турдали Раҳимов.

- Шу жумладан, ҳудудимиздаги қабристонни ҳам ободонлаштириш диққат марказимизда. Жорий йилнинг ўзида икки марта ҳашар уюштириб, у тартибга келтирилди. Яқинда эса, "Алмаз" фирмасининг бошқарувчиси, саховатпеша инсон Ғуломжон Шерматов савоб ишга қўл уриб, ўтганлар руҳини шод этди. Унинг ҳиммати эвазига ҳатто водийда ягона лойиҳа асосида хонақо барпо этилди.

Азиз байрам арафасида эса, ушбу маҳалланинг 625 хонадони яна бир совға олдилар. Сайрам сойига насос ўрнатилиб, маҳалла аҳлининг сувга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Нурмат ҲАЙДАРОВ,
меҳнат фахрийси.

ЯНГИ ГУЗАР ИШГА ТУШДИ

«Гузар» атамаси шаҳарларимизга хос эди. Эндиликда бу ном қишлоқ маҳаллаларигача етиб келди.

Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган Ф.Хўжаев номли маҳалла гузари шу маҳалла аҳлининг ардоқли масканига айланиб қолди. Гузар қурилишига бундан бир неча йиллар олдин миллий безакда, тадбиркор Суяр ака Жетибоев томонидан қурилган ошхона сабаб бўлган бўлса, тадбиркор Жуман Жўраев қурган «Бўрон ота» фахрийлар чойхонаси гузарнинг шаклланишига асос бўлди. Бу ўртада маҳалла тадбиркорлари учта озиқ-овқат дўкони, иккита салқин ичимликлар сотиладиган шоҳобча, иккита гўшт дўконини қуриб ишга туширган эдилар.

Янги гузарга туман деҳқон бозори, Бош бекат, марказий поликлиника, «Пахтаобод» масжиди, «Давр» марказий таъмирлаш устахоналари яқин бўлгани учун, бу гузар одамлар билан янада гавжум бўлади. Гузар янги маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари билан янада кенгаяди. Жумладан унда полиз маҳсулотлари дўкони, сартарошхона, ўсмирлар шуғулланадиган спорт мажмуалари ҳам бўлади.

А.РАҲИМҚУЛОВ.
Шароф Рашидов туманн, Пахтаобод қўрғони.

Эълонлар

Янгийўл туманидаги 2-ўрта мактаб томонидан 1996 йили Дилшод Тўраев номига берилган N073821 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Семинченко Владимир Иванович номига мулкчилик ҳуқуқини берувчи 14.03.93йилда берилган 04-21/6 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Морлапнин Риф Вагизович номига 1992 йил 7 декабрда берилган 10-01/96 рақамли давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.

● "Шарқ тароналари" анъанавий халқаро мусиқий фестивали давом этмоқда

ҚЎШИҚҚА ҚАНОТ БЕРГАН ЮРТ

Мана уч кундирки, Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони бутун Шарқнинг, қолаверса жаҳоннинг нигоҳида. Менинг кўзимга ҳам боболарим бунёд этган бу муҳташам жой ғоят фарахбахш, парвози баланд қўшиққа ўхшаб кўринади. XVII асрда Самарқанд султони Ялангтўш Баҳодирхон қурдирган Шердор мадрасаси, унинг пештоқидаги оқ оҳуни қувиб кетаётган шер, борлиққа нур сочаётган қуёш рамзи ҳамма-ҳаммаси қўшиққа ўхшайди. Кўкка бўй чўзган минорлар жозибадор манзара касб этиб турибди.

«Шарқ тароналари» номи билан жаҳонга машҳур анжуман бу ерда тўртинчи марта тантана қилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган халқаро мусиқа фестивали маданиятимизни янада чуқур ўрганиш ва юксалтиришга, миллий санъатимизни кенг тарғиб этишга, ёшларимизни бой анъаналаримизга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилаётган яна бир улкан эътибор намунасидир. Ҳозиргина менга Акмал Икромов номли Самарқанд Давлат Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейининг раҳбари Нуъмонжон Маҳмудов бундан 5 минг йил илгари аждодларимиз ясаган найни кўрсатди. Беш минг йил, айтишга осон, ўша замонлар ҳам машшоқларимиз чолғу асбобларини кашф қилиб, кишилар қалбига эзгулик уруғларини сочган-да. Бўлмаса, инсоният цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган халқ деб ном олмаган бўлардик. Қўшиқ ҳамиша инсоният қалбига юксак туйғуларни жо қилган, бу анъана ҳозир ҳам давом этаяпти. Халқаро анжуманда 40 давлатдан келган меҳмонларнинг нигоҳига қараб, бу туйғуни сезиш қийин эмас. Она Самарқанд ўз меҳмонларига қучоғини кенг очиб, уларга санъатларини намойиш этиш учун ҳамма шароитларни яратиб бераяпти. Муҳташам меҳмонхоналар уларга мунтазир. Самарқанд нонлари, таомлари меҳмонларнинг кайфиятига кайфият қўшмоқда. Неча минг йиллик тарихга эга бўлган осори-атиқалар билан танишмоқдалар, сайр қилмоқдалар. Қуёш ҳам худди шу ерда тин олгудай. Улуғбек бобомиз никоби-ни очган юлдузлар чарақлаяпти. Буюк Соҳибқирон қувончидан унга ўрнатилган ёдгорликдан гўё туриб кетгудай... Бу ерда 4 йил таҳсил олган Навоий бобомиз ҳам аркони давлати билан шу ерга ташриф буюраётгандай... Ҳа, Самарқанд бугун ана шундай туйғулар оғушида! Меҳмонлар қалбига сахий ўзбек қуёши, унинг мард халқи юксак туйғулар солаяпти. Уни сиз қўшиқ оҳанглари билан дунёга таратинг! Қўшиқ шундай бир кучга эгаки, у Ватанни севишга, унинг ҳар қаричини эъзозлашга ундайди. Бағрикенглиги, саховатни ўргатади.

Анъанага мувофиқ фестиваль доирасида «Шарқ халқлари мусиқа чолғу асбоблари» мавзуида халқаро илмий-ижодий конференция ўтказилади. Фестивалнинг ҳар гал миллий мусиқа санъатимизнинг муайян йўналишига бағишланиши унга ўзига хослик бахш этади. Бу йилги фестиваль миллий мақом санъатимизга бағишланди. Тадбир доирасидаги театрлаштирилган дастур ва гала-концертда ҳам ана шу жиҳатлар ўз аксини топган.

«Шарқ тароналари» IV Халқаро мусиқа фестивали ана шундай юксак туйғулар оғушида бир ҳафта давомида янграйди. Юксак, инсоний қўшиқлар қанот қоқиши эса бу туйғуларни янада юксакка кўтаради. Регистон майдонидаги 5 минг томошабинга мўлжалланган курсилар санъат ихлосмандлари билан банд этилгани фестивалнинг жаҳоншумул аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

● Истиқлол кўргазмаси

МЎЙҚАЛАМДА САМАРҚАНД

"Рўйи замин сайқали" бўлмиш қадимий ва навқирон Самарқандннинг сўлим гўшаларию тарихий обидаларини Тошкентдан чиқмай томоша қилиш мумкинми? Мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб очилган кўргазмани томоша қилсангиз, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. "Афросиёб ёғдулари" деб номланган ушбу кўргазмада самарқандлик таниқли ижодкорлар - Аслиддин Исаев, Нуриддин Калонов ҳамда Тўлаган Ёрқулов асарлари намойиш этилмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан таниқли рассом Баҳодир Жалолов уларнинг мухлислар эътиборига ҳавола этилган асарларини, "ижодкорнинг ўз Ватанига, халқига ва она заминига бўлган улкан меҳри-муҳаббати ифодаси" деб атади.

Бу ташбеҳда ҳеч муболаға йўқ. Буни графикачи Н.Калоновнинг "Самарқандим" туркум расмлари, А.Исаевнинг "Қишлоғим", "Онам", "Сумалак" мавзуларидаги картиналари, Т.Ёрқуловнинг "Умар Ҳайём", "Муҳаббат", "Автопортрет" деб номланган асарларида яққол кўриш мумкин. Дарвоқе, мазкур туркумлари учун бу уч ижодкор Ўзбекистон Бадиий академиясининг кумуш медалига сазовор бўлди.

Айниқса, Н.Калоновнинг графика ва рангтасвир йўналишида чизилган расмлари томошабинни бефарқ қолдирмайди. Уларнинг ҳар бирини мусаввир бутун меҳрини бериб ишлагани сезилиб туради. "Темир", "Қиз портрети", "Қайтиш", "Куз бозори", "Қовунга келинг" каби картиналари олдида мухлисар узоқ қолиб кетишининг боиси шунда. Улар орасида "Қизғалдоқ" алоҳида ажралиб туради. Чиройли гуллар ўз аксини топгани учунгина эмас. Гулдондан жой олган юздан ортиқ лолақизғалдоқ тасвирини кўриб, баҳорнинг мусаффо эпкини димоғингизга урилгандек, дашту далаларда меҳнат қилаётган йигит-қизлар кулгуси қулоғингизга чалингандек бўлади. Энтикиб кетасиз. Гуллардан ёшлик, бахт ва абадий ҳаёт нафаси уфуриб турибди.

А.Исаевнинг ижод йўналиши ҳам ўзига хос. "Онаолик", "Тоғли қишлоқ", "Хаёл", "Медитация", "Оила" расмлари ўта реаллиги ва ҳаётийлиги билан кишини ўзига мафтун этади. Рассом бўёқлар ёрдамида томошабинга кайфият улашади: гоҳ қувноқ, гоҳ маҳзун, гоҳ сокин, гоҳ жўшқин.

"Менинг ҳовлим" расми қадрдон маскан - маҳалланинг аҳил ва иноқ одамлари ҳақида. Ана, беташвиш, беғубор болакай ўз ўйинчоғи - велосипеди билан овора, сал нарида эса маҳалла аёллари қизғин суҳбат устида, файзли ҳовлиларда сокинлик, осойишталик ва айни пишиқчилик ҳукмрон. Ҳақиқий ўзбекона маҳалла ҳаёти, дунёнинг бошқа бирор мамлакатида такрорланмайдиган гўзал манзара.

Шу йилнинг 9 сентябригача давом этадиган кўргазмага борсангиз, буларнинг барчасини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Бу томоша Сизга Самарқанднинг бетакрор ҳаётини рангин бўёқлар орқали ҳис этиш имконини беради. Нафосатга яна бир бор ошно бўлиб қайтасиз.

Дилноза АЗИМОВА,
ЎзМУ журналистика факультети 2-курс талабаси.



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

● Ҳокимлик ва маҳалла

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ЙЎҒРИЛГАН ДАСТУР

Биласизми, ишлайдиган давр келди. Мустақиллик берди бу имкониятни. Юртбошимиз Ислом Каримов қўяётган талаблар замирида ҳам эл, юрт манфаатлари ётади. Демак, бизнинг ишимиз, куч-ғайратимиз ана шу мақсадга қаратилиши керак.

Туманимиз 1926 йилда ташкил топган. Унинг ҳудуди асосан тоғ олди зонасидан иборат. Туман қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари - пахта, ғалла ва чорвачиликка ихтисослаштирилган. Лекин бу ерда саноат, қурилиш, транспорт тармоқлари ҳам ривожланиб борянти.

Ҳозир туманда 1 та шаҳарча, 9 та қишлоқ ва 58 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда.

Туманда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Шу боисдан ҳам қисқа муддатда аҳолининг 58,4 фоизи табиий газ, 92 фоизи ичимлик суви билан таъминланди. Фақатгина жорий йилнинг биринчи чорагида 4,3 километр газ, 2,3 километр сув қувурлари ётқизилди. Ҳозирги кунда Тоқчиён қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Янгиқишлоқ ва Қулмазор маҳалласига қарашли Жонбахти, Палпоя, Кичик кўл аҳоли яшаш жойларига 3,8 километр узунликда газ қувурлари тортилмоқда. "Турон", "Алоқа", "Ғалла" банкларининг минтақавий бўлинмалари Янги ҳаёт маҳалласидаги 75 ўринли болалар боғчасини молиялаштириб, тўла таъмирдан чиқардилар.

Ўтган йили ғалла, пахта етиштириш режаларини республикада биринчилар қаторида адо этган эдик. Бу йил эса ундан-да юксакроқ натижаларга эришишга ҳаракат қиляпмиз.

2003 йил Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши муносабати билан фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш органи сифатида маҳалла йиғинларининг роли янада оширилмоқда, мавқеи мустаҳкамланмоқда. Биз ҳам туманимизда маҳаллаларни обод қилиш, кўкаламзорлаштириш ва фуқароларимизнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган "Обод маҳалла йили" Дастурини ишлаб чиқдик. Унда белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилянти. Йил охиригача 7 та намунали маҳалла ғузарлари ташкил этилади. Жумладан, Сариосиё қишлоқ йиғинидаги М. Улуғбек, Шарғун шаҳридаги Чинор, Дашнобод йиғинидаги Бодомзор, Суфиён қишлоқ йиғинидаги Шоқишлоқ, Бўстон қишлоқ йиғинидаги Охунбобоев номли маҳаллаларида бунёд этилган янги иншоотлар меҳнаткашлар оғирини енгил, мушкулини осон, узоғини яқин қилмоқда.

Халқ манфаатига хизмат қиладиган бундай корхоналар қурилишида саховатпеша тадбиркорлар, фермер хўжалиги рахбарлари, ҳомий ташкилотларнинг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, улар қишлоқда спортни ривожлантириш ва шу йўл билан жисмонан баққувват, маънан соғлом авлод тарбияланиши учун ҳеч нарсани аямаяптилар. Масалан, амалдаги йилда тумандаги Тўпаланг ГЭС қурилиш бошқармаси ҳисобидан Наврўз маҳалласида, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Янги турмуш маҳалласида, Шарғун кўмир кони ҳисобидан Охунбобоев номли маҳаллада спорт мажмуаларини тўбдан қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бундай спорт мажмуаларини қуриш кейинги йилларга ҳам мўлжалланган.

Дашнобод қишлоқ йиғинидаги Тамшуш маҳалласида 192 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси, Сариосиё шаҳарчасидаги М.Улуғбек номли маҳаллада ташкил этилаётган янги маҳалла ғузарида замонавий Нуронийлар чойхонаси, Сариосиё қишлоқ хўжалик коллежининг янги амалиёт биноси, Хуфор қишлоқ йиғини худудида 900 ўринли ўрта ва кичик бизнес йўналишига қаратилган коллеж, Сўфиён қишлоқ йиғинидаги Ғайрат маҳалласида янги қишлоқ тиббиёт шоҳобчаси қурилишлари йил охиригача ишга туширилади.

Ёшлар тарбияси муҳим вазифа. Биз ҳам ўғил-қизларимизни билимли, кучли, соғлом бўлишини истаймиз. Ана шу мақсадда туманда 3 босқичдан иборат иқтидорли болалар фан олимпиадаси ўтказилди. Унда 18 нафар ўқувчи-ёш ғолиб деб топилди. Зиё жамғармаси томонидан биринчи ўрин учун ойига 20 минг сўмдан, иккинчи ўрин учун 15 минг сўмдан ва учинчи ўрин учун 10 минг сўмдан йиллик рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди. 5 нафар иқтидорли ўқувчи эса туман ҳокимлиги томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Маҳаллаларимизда мунтазам турли тадбирлар, хайрия ҳашарлари, оммавий спорт мусобақалари, кўрик танловлар ўтказилиб туради. Айниқса, ёшларимизнинг кундалик ҳаёти жўшқин, сермазмун ўтмоқда.

"Энг обод маҳалла" кўрик-танловининг босқичма-босқич ўтказилаётганлиги маҳалла ғузарлари, кўча-кўйларни ободонлаштириш, экологик соғлом муҳитни барпо этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яна бир гап. Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш — давр талаби. Шу жиҳатдан бу соҳага катта эътибор қаратмоқдамиз. Буни жорий йилнинг 1-чорагида 30 та кичик корхона, фирма ва фермер деҳқон хўжаликлари ташкил этганлигимиз мисолида ҳам билиш мумкин. Бу ишсизлар сонини камайтиришга олиб келмоқда. Истеъмол бозорини тўкин-сочин қилмоқда.

Янги иш ўринлари яратиш мақсадида ҳар чорақда меҳнат ярмаркалари ўтказиб турилади. Қўшма корхоналар барпо этмоқдамиз. Айни пайтда Дашнобод ширкат хўжалиги ва Донни қабул қилиш корхонаси Италиянинг IFT фирмаси билан ҳамкорликда йилига 5 минг тонна мева шарбати концентрати ишлаб чиқариш ва 50 тонна донни қайта ишлашга мўлжалланган корхона қурилиши давом этмоқда. Хорижий ускуналар ўрнатилмоқда.

Мифтох фирмаси ҳамда Боғу-бўстон фермер хўжалиги Россиянинг Акмолка фирмаси билан ҳамкорликда яхна ичимликлар ишлаб чиқариш ҳамда мевани қайта ишлайдиган корхона барпо этишга шартнома тузганлар. Иншоат қурилиши бошлаб юборилди.

Хуллас, биз амалга ошираётган ишларимизнинг кўлами кенг. Улар фақат халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Парда МАДИЕВ,
Сариосиё тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати.

АДИБ ТУҲФАСИ

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги "Конституция" маҳалласида кутубхона очилди.

Яқинда Ўзбекистон Халқ шоири Рамз Бобожон шахсий кутубхонасининг катта қисмини ўзи яшаётган маҳаллага туҳфа этди. Унинг ноёб китоблари ва асарларидан кўпчилик баҳраманд бўлиши учун маҳалла ғузари биносидан кутубхона учун жой ажратилди. Шу муносабат билан маҳалла ғузарига таниқли адиблар ва олимлар, маҳалла фаоллари тўпландилар. Тадбирни Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси бўлими раиси Рихситилла Акромов очиб, бундай хайрли ва саховатли ишнинг муҳим аҳамияти хусусида тўхталди. Яккасарой тумани ҳокими Р.Усмонов, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, шоир Минҳожиддин Мирзо, маҳалла фаоллари ва бошқа сўзга чиққанлар ушбу китоблар хазинасидан талабалар, ўқувчи ёшлар кенг фойдаланиши, бу анъана маҳаллаларда янада қулоч ёйишига ишонч билдирдилар.

Суратда: кутубхонанинг илк ўқувчилари.

Фарғона вилояти

ЖАНГИКЕТМОНДАН ЧИҚҚАН ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР

улар устозларининг заҳматларини оқладилар

Олий ўқув юрти талабаси бўлишга чоғланган битирувчи ёшларимиз учун ёз ойлари беҳаловат ўтди. Айни кунда ҳаяжону хавотирга бой дамлар ортда қолди, тест натижалари эълон қилинди. Халқона айтганда, "ғалвир сувдан кўтарилди". Кимдир ўзида йўқ шод, кимдир эса... Минглаб битирувчилар талаба бўлдилар, 1 сентябрдан улар учун талабаликнинг олтин даври бошланади.

Сир эмаски, мактаб партасида олинган билим қанчалик чуқур бўлса, абитуриентнинг талаба бўлиш имконияти шунча юқори бўлади. Демак, ўз-ўзидан маълумки, олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ҳар бир абитуриент ўзига таълим берган мактабга, устозларига хурсандчилик, қолаверса, обрў ҳам келтиради. Айни кунларда республикамиз бўйлаб вилоят ва туманлар халқ таълими бошқармаларида ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг "Август кенгашлари" ўтмоқда. Уларда ҳар бир мактабдан қанча битирувчи олий ўқув юртига киришга муваффақ бўлгани ҳисоб-китоб қилинади. Шу ўринда бироз ажабтовур маълумотлар кўзга ташланмоқда. Мана, масалан Фарғона вилоятининг Фурқат туманидаги олис Жангикетмон қишлоғида жойлашган 45-махсус лицей-интернатни бу йил 45 нафар ўқувчи битирган. Буни қарангки, улардан 43 нафари олий ўқув муассасалари талабаси бўлишган. Шу туманнинг 29-ўрта таълим мактабининг 9 нафар бу йилги битирувчиларидан 5 таси, 20-мактабнинг 23 нафар битирувчисининг 10 таси олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ва талаба бўлган. Туман бўйича бу йилги битирувчиларнинг 27 фоизи яқин кунларда олий ўқув юртларида билим олишни бошлайдилар. Бу маълумотлар республикамизда мустақиллик йилларида таълим тизимидаги ислоҳотларнинг самарали бўлаётгани, қолаверса Фурқат туманидаги мактабларда ёшларнинг чуқур билим олишларига алоҳида эътибор қаратилаётганини билдиради.

М.ЛАТИПОВА

Сурхондарё вилояти

БАЙРАМОНА ҲАЙРИЯТ

Оқҳар Қумқўрғон туманидаги энг катта фуқаролар йиғинларидан биридир. Унинг ҳудудида 12 та маҳалла, 14 та мактаб, 13 та маданият муассасаси ва ўнлаб савдо, маиший нуқталар, тиббиёт шохобчалари фаолият кўрсатаётир.

Биз Мустақиллигимизнинг 12 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан тегишли тадбир тузиб, шунга яраша ишни ташкил қилмоқдамиз. Жумладан, Элбоён ва Янгиобод маҳаллаларида жами 6 километрли йўлларга шағал тўкилиб, текисланди. Элбоёндаги 100 дан ортиқ хонадон тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Боғаро маҳалласига эса 1,5 километрли газ қувури тортиб келинди. Яна бир иншоатимиз - Гултепадаги олти хонали ғузар қурилиши улуғ байрамгача битказилади.

Булардан ташқари, яна бир тадбиримиз хусусида гапириб ўтиш жоиз. У ҳам бўлса "Ибратли оила" кўрик-танловидир. Унга жуда кўп оилалар жалб қилинди. Кўрик натижасига кўра, Азларсой маҳалласидан Қурбоной ва Қулмат Ҳимматовлар бу фахрли номга сазовор бўлдилар. Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу ибратли оила республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Экосан" хайрия жамғармасининг дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан ҳам тақдирланди.

Шунингдек, байрам арафасида осойишталикни таъминлаш юзасидан ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда бир неча тадбир ўтказиш режамиз ҳам бор.

Э.МЎМИНОВ,
Оқҳар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Наманган вилояти

ЭСКИСИ ЎРНИГА ЯНГИСИ

Наманган туманидаги Хўжақишлоқ маҳалласи оқсоқоллари, фаоллари, зиёлию тадбиркорлари, қурувчилар вакиллари яроқсиз ҳолга келиб қолган бино ўрнида янги 180 ўринли мактаб биноси қурилишини бошлаган эдилар.

Ҳашар йўли билан бунёд этилаётган ўқув юртида ҳозир сўнгги юмушлар амалга оширилмоқда. Мазкур ва қўшни маҳаллалардан ҳар куни 25-30 киши ҳашарга чиқаётир. Ушбу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришда маҳалланинг ҳар бир фуқароси ўз улушини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Ҳатто меҳнат фахрийлари ҳам баҳоли-қудрат нафақа пулларидан қурилишга ажратишди.

А.НАБИЕВ.

● Аём арафасида

Қорақалпоғистон Республикаси

Тўрткўл - Қорақолпоғистонда катта нуфузга ва муносиб ўринга эга тумандир. Бир юз эллик мингдан зиёд аҳоли яратувчанлик меҳнати билан банд. Улар энг азиз байрам — Мустақилликнинг 12 йиллигини кенг миқёсда нишонлай бошладилар.

ТЎРТКЎЛДА БАЙРАМ РУҲИ ҲУКМРОН

- «Обод маҳалла йили» Дастурида ҳам Мустақиллик кунини муносиб кутиб олиш ҳақида алоҳида банд бор, - дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлинмаси раиси Нураддин Айитов. - Дастурга биноан Тўрткўл шаҳридаги 20 та маҳалла ва 15 та овул фуқаролар йиғинлари ҳудудлари ободонлаштирилиб, янги боғлар барпо қилинмоқда. 50 гектарли «Нуронийлар» боғининг дастлабки 10 гектарига серҳосил дарахт кўчатлари ўтқазилди.

- Маълумки, ҳар бир маҳаллада ғузар бўлишига эришиш, аҳолига зарур қулайликлар яратиш баробарида меҳнаткаш, айниқса ёшлар орасида тарбиявий, ташкилотчилик юмушларини ўтказиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Айни пайтда 8 та овул фуқаролар йиғини маъмурий бинолар ва ғузарларга, 10 та маҳалла эса ўз ғузарларига эга. Айниқса Навоий номли, Янгиобод, Боғён маҳаллалари ва Уллибоғ, Тозабоғ-ён, Шўрахон овул фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги ғузарлар ҳавас қилса арзигулик даражада. Туманда спорт, айниқса болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда 6 та спорт мажмуи ва 20 та маҳаллада теннис кортлари қурилиб, улар ёшларнинг энг севимли масканига айланди. Бундай ишларнинг сифатли ва вақтида бажарилишида хомийлар, тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўлди. Халқимизнинг азалий эзгу удуми - ҳашар йўли билан ҳамда хомийлар кўмагида йил охиригача барча маҳаллаларда, овул фуқаролар йиғинлари ҳудудларида болалар спорт мажмуалари қурилиб, таъмирланиб фойдаланишга топширилади.

Амалдаги йилнинг ўтган даврида «Обод маҳалла йили» Дастурига кўра «Устоз ва шогирд», «Эл севган шифокор», «Булар элимиз фахри», мавзуларидаги тадбирлар ҳам қизиқарли ва сермазмун ўтди.

Келгусида «Энг обод маҳалла ва овул», «Энг кўркам мактаб», «Энг кўркам соғлиқни сақлаш муассасаси», «Энг кўркам болалар спорт мажмуаси» кўрик-танловлари эълон қилинди. Танловлар Конституция куни арафасида якунланиб, ғолиблар аниқланади. Шунингдек «Энг яхши маҳалла», «Энг намунали оила», «Намунали профилактика нозири ва тарбиячи» кўрик-танловлари ҳам ўтказилади.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви

барча маҳалладошларни Обод маҳалла йилида юртимизга ўзгача тароват ва файз бағишлаётган Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги айёми билан табриклайди!



Омон юртнинг қуёши чарақлаган бўлади,
Кундузи ҳам кечаси ярақлаган бўлади.
Иймон, эътиқодини сарф этса ҳар бир киши,
Буюк давлат тарихин варақлаган бўлади.
Жаннатмакон Ватаннинг келажаги улуғдир,
Қишин-ёзин булоғи шарақлаган бўлади,
Шу юртга жонни фидо этгин Амин ҳар бир дам,
Бахтингни кўролмаган валақлаган бўлади.

Ҳусанжон АМИН.

Мустақилликнинг 12 йиллиги билан қутлаймиз!

"Матбуот тарқатувчи"

ҳиссадорлик жамияти

барча юртдошларимизни Обод маҳалла йилининг энг улуғ санаси – Мустақилликнинг 12 йиллиги байрами билан муборакбод этади.

Хиссадорлик жамияти мамлакатимизнинг барча жойларида почта ва бошка алока хизмати турлари оркали йилимизнинг колган кисми ва 2004 йил учун обуна уюштириб, сизнинг хизматингизда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси

Давлат акционерлик "Уйжойжамғармабанк"

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ

ҳамюртларимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрами билан чин дилдан

МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

O'ZSANOATQURILIShBANK

Сизларни улуғ байрам –

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ

билан самимий мубораквод этамиз!

Банк жамоаси мижозларга замонавий ва манфаатли банк хизматларини тақдим этишни давом эттириб, ушбу шукуҳли кунларда сизларга соғлиқ, оилавий бахт ва юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақиятлар тилайди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзсаноатқурилишбанк
Сизларга янги молиявий хизмат турини «Ўзбекистон-Экспресс» тизимини таклиф қилади.
Аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари ичида биринчи марта 2003 йил январ ойидан бошлаб республика ҳудудида Ўзбекистон-Экспресс тизими бўйича миллий сўмдаги пул жўнатмалари борасида янги молиявий хизмат тури жорий этилди. Пул маблағларини ўтказишнинг мазкур тизими аҳолига пул маблағларини бир минтақадан бошқасига хатарсиз, тез, қулай ва энг муҳими арзон ўтказиш имконини беради.
Қўшимча маълумотлар қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин:
120-45-17, 120-45-24, 133-34-45.

Азиз маҳалладошлар!

БАРЧАНГИЗНИ ЭРК ВА ҲУРРИЯТ БАЙРАМИ – ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН ҚИЗҒИН ҚУТЛАЙМИЗ.
УШБУ ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИДА МАҲАЛЛАЛАРИМИЗНИНГ ҲАР ЖИҲАТДАН ОБОД ГЎШАЛАРГА АЙЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНГИЗГА БАРАКА, ОИЛАЛАРИНГИЗГА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙМИЗ.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ, «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ ТУМАН БЎЛИНМАСИ

ХАЛҚ БАНКИ

Жиззах вилояти филиали жамоаси

Республикамиз аҳолисини ҳамда кўп минг сонли мижозларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги байрами билан

САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ!

Сиз азизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, оилавий тотувлик, дастурхонингизга барака, Ўзбекистонимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларингизда катта омад ва зафарлар тилайди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КОНИМЕХ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ,
туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси Ўзбекистон халқини Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрами билан мубораквод этади!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ НАВОИЙ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ,
туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси азиз ҳамюртларимизни ва юртимиз меҳмонларини қутлуғ айём — Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрами билан табриклайди!

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САЙДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Абдунаби МАННОПОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

5198 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-564 Топшириллди—